

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НАСИРОВА ЗАРИНА АКБАРОВНА

**ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ НАЗАРГА ОЛГАН
ҲОЛДА НОСТАБИЛ СТЕНОКАРДИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ МОСЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Насирова Зарина Акбаровна

Этиопатогенетик хавф омилларини назарга олган ҳолда ностабил
стенокардия билан оғриган беморларни даволашнинг мослаштирилган
ёндашуви 3

Насырова Зарина Акбаровна

Персонализицияланган подход к лечению больных с нестабильной
стенокардией в зависимости от этиопатогенетических факторов риска 21

Nasyrova Zarina Akbarovna

Personalized approach to the treatment of patients with unstable angina
pectoris depending on etiopathogenetic risk factors 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НАСИРОВА ЗАРИНА АКБАРОВНА

**ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ НАЗАРГА ОЛГАН
ҲОЛДА НОСТАБИЛ СТЕНОКАРДИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ МОСЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида №B2019.4.PhD/Tib1041 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институти, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.cardiocenter.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ташкенбаева Элеонора Негматовна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Срождинова Нигора Зайнутдиновна тиббиёт фанлари доктори Абдуллаев Акбар Хатамович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент Тиббиёт Академияси

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Курбанов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У. Муллабаева
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ностабил стенокардия кардиологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва ўткир коронар етишмовчилик ҳолатларининг 75-80% ни ташкил қилади. Турли тадқиқотларнинг маълумотлари шуни таъкидлайдики, кекса ёш гуруҳлари аҳолиси орасида депрессиянинг тарқалиши 9% дан 30% ни ташкил этади¹. Хусусан, юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан оғриган беморлар орасида депрессия аҳолига қараганда тез-тез учрайди, бу турли манбаларга кўра 18-65% ни ташкил этади². Турли тадқиқотлар кайфият бузилишининг келиб чиқиши бир неча муҳим хавф омиллар билан боғлиқлигини таъкидлайди, улардан энг асосийларидан бири бу симптомли ва симптомсиз гиперурикемия бўлиб, дунё аҳолисининг тахминан 3-38% ида учраши аниқланган³.

Жаҳонда сўнгги йилларда юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда юрак-қон томир касаллигидан келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим хавфи ошишининг олдини олиш чора-тадбирлари самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ЮИК ташвиш депрессив синдром ҳамда симптомсиз гиперурикемия бўлган беморларда генетик верификация ёрдамида эрта аниқлаш усулларини оптималлаштириш, касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунга ташвиш депрессив синдром ҳамда гиперурикемия бўлган беморларда IL-1 T/C 511 ва IL-10 819C/T генларнинг полиморфизмини баҳолашга асосланиб юрак қон томир асоратлари ривожланишини башоратлаш, қўлланилган патогенетик даволашни персонифицирлаштириш ва оптималлаштириш ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш⁴, шу жумладан эрта ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш ва юрак қон томир касалликларини даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга диққат билан эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш бўйича муҳим вазифа қўйилди; “тиббий ёрдам самарадорлигини, сифати ва мавжудлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали”⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги; 2017 йил 20

¹ Курбанов Р.Д., Муллабаева Г.У. Современные возможности первичной профилактики коронарной смерти с позиции ранней коррекции активности нейрогуморальных систем у больных инфарктом миокарда // Евразийский кардиологический журнал. Ташкент, 2011г., С.46-53

² Курочкина С.Д., Семенова Е.В., Терещенко Ю.В., Семенкин А.А., Нечаева Г.И. Стенокардия с высоким уровнем тревоги/ Журнал «Лечащий врач», Выпуск 3-2017 С.91-95

³ Аляви А.Л. и др. Бессимптомная гиперурикемия: Патогенетические аспекты, клиника прогнозирования и коррекция// Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, Ташкент 2014. С. 34-53

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 г

июндаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5590-сон Фармонида, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касаллар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш” Қарори, шунингдек ушбу фаолият соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Ушбу маълумотлар тадқиқотни долзарблигини кўрсатиб, ЮИК нинг шаклланиши ва ривожланишидаги турли хил патогенетик алоқалар ўртасидаги муносабатни очиб беришга ва персонифицирланган терапиянинг янги ёндшувларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг VI -«Тиббиёт ва фармакология» -йўналишлари мувофиқлиги асосида амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйлаб олиб борилган кенг қўламли тадқиқотлар умумий тиббий амалиётида ва кардиология амалиётида психосоматик хавф омилларнинг юқори тарқалиши ва аҳолининг депрессия частотасидан юқори эканлигини кўрсатади.

Heart Failure Adherence and Retention Trial (HART) тадқиқотлари шуни тасдиқладики, депрессия қайта-қайта касалхонага ётқизиш сабаблари бўлиб ҳисобланади. Дюке университети тиббиёт марказида (АҚШ) 12 йил давомида ўтказилган энг узок давом этган тадқиқот шуни кўрсатдики, депрессия анъанавий хавф омилларидан қатъий назар, барча сабабларга кўра ўлимнинг кўпайиши блан боғлиқ. Шунга кўра, беморларнинг омон қолиш даражаси депрессиянинг оғирлиги билан тескари боғлиқ эди. Афсуски, депрессия аломатлари билан чап қоринча систолик функциясининг бузилиши билан боғлиқлиги масаласи етарлича ўрганилмаган. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, депрессия даражасининг ошиши сурункали юрак етишмовчилигининг функционал синфининг кўпайишига олиб келади.

Бундан ташқари, EUROASPIRE IV (2017) маълумотларга кўра ЮИК бўлган беморларда ташвиш-депрессив синдромнинг тарқалиши турли популяцияларда 30-40% гача етиш мумкин. Сўнги ўн йилликда, ЮИК ривожланиши ва унинг беқарорланиши, шунингдек, беморларнинг узок муддатли терапияга паст риюя қилиш хавфи билан боғлиқ ТДСнинг тахминий қийматлари тўғрисида адабиётларда фаол мунозаралар бўлиб ўтди.

Сўнги йилларда республикамизда юрак патологиясининг психосоматик муаммоларига, хусусан ЮИКни беқарорлаштириш даврида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йигирма йил ичида республиканинг етакчи мутахассислари, масалан Р.Д. Қурбонов 2020 й, Н.М. Нуриллаева 2011 й ва

Н.Х. Хамидовларнинг 2013 й. ишлари мавжуд. Ушбу ишлар юрак-қон томир касалликлари ривожланиши ва прогнозида ташвиш-депрессия бузилишларининг аҳамиятини ўрганишга бағишланган. Ҳозирги вақтда ЮИК билан касалланган беморларнинг психосоматик ҳолатини баҳолаш, эрта ташҳислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш, шунингдек ЮИКнинг ёмон кечишини башорат қилиш, бунда кучли ташвиш-депрессив синдром биомаркерларининг башорат қилиш қиймати, сийдик кислотаси ва цитокин мувозанати даражасининг ошишини IL-1 T/C 511 и IL-10 C/T 819 генларнинг полиморфизмини ҳисобга олиш ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170927280 “Стенокардиянинг ностабил вариантлари оқибатини аниқлашнинг молекуляр-генетик ва уларни даволашга махсус индивидуал ёндашиш усуллари ишлаб чиқиш” (2018-2020) амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юрак-қон томир касалликларининг ривожланишида психосоматик хавф омилларининг аҳамиятини ўрганиш, касалликнинг беқарорлашуви диагностикаси мезонларини ва уларнинг терапиясида персонифицирланган ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

HADS ва Спилбергер-Ханин сўровномалари бўйича ностабил стенокардия билан оғриган беморларнинг психосоматик ҳолатини баҳолаш; психосоматик ҳолатга қараб клиник ва инструментал, биокимёвий тадқиқотлар ўтказиш;

биокимёвий спектрда аниқланган ўзгаришларга қараб IL-1 β ва TNF- α яллиғланиш медиаторларини, IL-4, IL-10 яллиғланишга қарши интерлейкинларини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

citoкин мувозанати ва симптомсиз гиперурикемия аҳамиятини аниқлаш учун ностабил стенокардия билан бўлган беморларда IL-1 T/C 511 ва IL-10 C/T 819 генларнинг полиморфизмини баҳолаш;

IL-1 T/C 511 ва IL-10 C/T 819 генларининг аллелик вариантыга қараб, қонда сийдик кислота миқдорини ҳисобга олган ҳолда, ташвиш-депрессив синдромли ЮИК терапиясининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан кузатувда бўлган 202 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб беморларнинг веноз қони ва қон зардоби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, психометрик, иммунологик, молекуляр-генетик, инструментал, статистик каби таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, ЮИК бўлган беморларда ташвиш депрессив синдром ва яллиғланиш интерлейкинлари, ҳамда сийдик кислотаси даражаси ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган;

стенокардиянинг дестабилизация даври: липид профилининг, асимптоматик гиперурикемия ва яллиғланиш (TNF- α , IL-1 β) интерлейкинларининг ўзгариши билан бирга кечиши ва уларнинг оғирлиги вазиятли ва шахсиятли ташвиш даражасига боғлиқлиги аниқланган;

илк маротаба, IL-1 T/C 511 генининг гомозиготали T/T генотиби ҳамда гетерозиготали C/T генотиби генетик белгиларининг энг муҳим ассоциацияси ЮИК бўлган беморларда ташвиш-депрессив синдроми клиник жиҳатдан ифодаланганлиги ва ностабил стенокардия ривожланишини башорат қилиши аниқланган;

илк маротаба, ностабил стенокардия ташвиш-депрессив синдром ва асимптоматик гиперурикемия билан ассоциирланган беморларда персонифицирланган терапияда SNPs C(-511)T IL-1 генининг ва SNPs C (-819) T IL-10 генининг патогенетик роли аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беқарор стенокардия ва ташвиш-депрессив синдром билан бўлган беморларга буюрилган асосий терапияга антидепрессант (мияга хос S-100 оксидига антитаналар) ва фебуксостатни буюриш C/T ва T/T генотиплари бўлган беморларда HADS-A нинг $4,1 \pm 0,2$ ва $5,5 \pm 0,3$ баллга тегишли равишда, HADS-D $4,28 \pm 0,2$ ва $5,5 \pm 0,3$ балл тегишли равишда пасайди. Спилбергер–Ханина шкаласи бўйича ўтказилган синовлар IL-1 ва IL-10 генларининг T/T генотиплари бўлган беморларда вазият ва шахсий ташвиш даражаси мос равишда $5,31 \pm 0,4$ га ва $7,0 \pm 0,4$ баллга камайганлигини қайд этилган;

гомозигота вариантыдаги T/T генотиби IL-1 ва IL-10 генлари бўлган беморларда депрессиянинг намоён бўлиш даражаси ва ЗПБЛ мақсад даражаларига эришиш ($\leq 1,8$ ммол/л) ўртасидаги боғлиқлик яллиғланиш цитокинлари TNF- α ва IL-1 β кўпайиши ҳамда яллиғланишга қарши IL-4 ва IL-10 цитокинларининг пасайишида аниқланган;

ностабил стенокардия ва ташвиш-депрессив синдром ҳамда асимптоматик гиперурикемия билан бўлган беморларда кузатилаётган цитокинлар дисбаланси базис терапия билан биргаликда фебуксостат ва Диваза буюрилганда T/T генотипли IL-1 ва IL-10 генларида TNF- α ва IL-1 β сатҳининг пасайиши ва яллиғланишга қарши интерлейкинлари IL-4 ва IL-10 кўпайиши аниқланган;

илк маротаба, IL-1 T/C 511 ва IL-10 T/C 819 генларининг генетик текшируви натижаларини ҳисобга олган ҳолда ташвиш депрессив синдром ва асимптоматик гиперурикемия билан боғлиқ бўлган беқарор стенокардия билан касалланган беморларни даволашга персонифицирланган ёндашув таклиф қилинган.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги илмий ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, маълумотларга

статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилиги таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олиб борилган иммунофермент текширишлар ва ўзбек популяциясида ташвиш-депрессив синдром бўлган беморларни генотиплаштириш асосида уларнинг қонида сийдик кислотаси ошиши ҳамда Т аллел ташувчилар билан боғлиқлиги аниқланди, бу ЮИК дестабилизация ҳолатини ошиши ва юрак қон томир касаллигидан ўлим кўрсаткичининг ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ЮИК бўлган беморларда ташвиш-депрессив синдромни аниқлашда HADS ҳамда Спилбергер-Ханин шкаласидан фойдаланиш таклиф этилади, мураккаб вазиятларда ташвиш-депрессив синдром ва асимптоматик гиперурикемияга мойилликни аниқлашда ўзбек популяциясида IL-1 T/C 511 ҳамда IL-10 C/T 819 генларининг полиморфизмларини ўрганиш таклиф этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек популяциясида ташвиш-депрессив синдромнинг генетик ва клиник-биокимёвий хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

"Ташвиш-депрессив синдром билан бўлган ностабил стенокардия вариантларида комплекс коррекциялаш усули" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги № 8 н-д/511-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома амалиётда анамнез, клиник маълумотлар, умумий клиник ва стандарт биокимёвий қон таҳлиллари каби осон ҳамда қиммат бўлмаган клиник усулларни қўллаб амалга ошириш ностабил стенокардияда коморбид ҳолатларни ташхислашга имкон берган.

"Асимптоматик гиперурикемия билан бўлган ностабил стенокардияни даволашнинг оптимизацияси" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги № 8 н-д/512-сон маълумотномаси) услубий тавсиянома тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома қимматбаҳо генетик усуллар бўлмаганда ташвиш-депрессив синдромини эрта баҳолаш, ушбу ҳолатнинг асимптоматик гиперурикемия ва цитокинлар дисбаланси билан боғлиқлигини аниқлаш ёрдамида ностабил стенокардия ривожланишининг олдини олишга имкон беради.

Даволашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубларининг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида ва Самарқанд вилоят кардиологик диспансери амалиётига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги № 3 н-д/328-сон маълумотномаси). Натижада, ностабил стенокардия бўлган беморларда замонавий лаборатор

диагностик усуллари ва психосоматик тестлар қўллаш ёрдамида ЮИК дестабилизацияси олдини олиш имконини берган, бу эса ўз навбатида ушбу патологик ҳолатни даволаш ва олдини олишга шахсийлаштирилган ёндашувга ёрдам берган ҳамда беморлар ҳаёт сифати ва прогнозини сезиларли яхшилаган.

Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 5 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан иккита услубий тавсиялар, 1 та ЭҲМ дастур ва 10 журнал мақолалари, шулардан 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Этиологик хавф омилларига қараб ностабил стенокардиянинг ривожланиш механизми ва ривожланишининг замонавий кўриниши"** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича амалга оширилган халқаро илмий-тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Ушбу боб олти кичик боблардан ташкил топиб, бунда ностабил стенокардияни ривожланишининг замонавий концепциялари ҳақида маълумот берилган, ностабил стенокардиянинг турли этиопатогенетик омиллари, шунингдек, замонавий даволаш жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг **"Ностабил стенокардия бўлган беморларнинг клиник-биокимёвий тавсифномаси ва қўлланилганлик усуллар методологияси"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган, тадқиқотга жалб этилган ЮИК бўлган беморлар характеристикаси, фойдаланилган усуллар, шунингдек, олинган натижаларни баҳолашга ёрдам берувчи статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотда 202 нафар ЮИКнинг стабил ва ностабил стенокардия билан бўлган бемор киритилди. Ушбу беморларда клиник, функционал, биокимёвий,

иммун ва генетик тадқиқотлар ўтказилди. Респондентларнинг ўртача ёши = $63,75 \pm 11,37$ ёшни ташкил этди.

Кузатиш вақти 36 ҳафтани ташкил этди. Дастлабки босқичда барча клиник-функционал, лаборатория, генетик ва иммунологик маълумотлари стабил стенокардия (СС) ва ностабил стенокардия (НС) ўртасидаги таққослама аспектда, шунингдек ностабил стенокардиянинг айрим шаклларида баҳоланди.

Ностабил стенокардияда ташвиш-депрессив синдром ва унинг оғирлик даражасини баҳолаш учун фойдаланилган шкалалар: HADS [Козлова С.Н. 2013] госпитал шкаласи ва шунингдек, Спилбергер-Ханин томонидан ишлаб чиқилган шкала [Психиатрия-Гофман А.Г. 2010] когнитив функцияларни баҳолаш учун мослаштирилган шкала.

Ташвиш-депрессив синдроми ва у сиз бўлган беморларда ностабил стенокардия ривожланишида иммунитет ҳолатининг аҳамияти ўрганиш учун яллиғланишга хос TNF- α , IL-1 β цитокинлари, ҳамда қон зардобиди яллиғланишга қарши цитокинлари IL-4 ва IL-10 ни қаттиқ фазали иммунофермент усули (ELISA) билан ўрганилди.

Генетик тадқиқот усуллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти лабораториясида ўтказилди. 97 та яхлит қон зардобиди 511 Т/С IL-1 гени ҳамда 819 С/Т IL-10 полиморфизмини аниқлаш "Литекс" НПФ томонидан ишлаб чиқарилган "SNP-экспресс" ПЦР ёрдамида инсон геномидаги полиморфизмларни аниқлаш учун диагностика тўпламлари ёрдамида амалга оширилди. Яллиғланиш цитокинлар генларининг полиморфизмларини ўрганиш учун биз «1 β интерлейкин Мутацияси» тўпламларини қўлладик (ген – ИЛ 1 β , полиморфизм -511 С/Т). Яллиғланишга қарши цитокинлар генларининг (ген-ИЛ-10, полиморфизм-С-819Т) полиморфизмини аниқлаш учун «Мутация-3 интерлейкин 10»нинг тўпламлари (ген-ИЛ-10, полиморфизм –С-819Т) ишлатилган.

Тадқиқотнинг бевосита натижалари клиник муваффақиятни баҳолаш орқали таҳлил қилинди. Касалликнинг оғирлик даражаси ва натижаси моделларини энг кичик квадратлар усули билан яратишда уларнинг самарадорлиги ҳолати t-мезони бўйича камида $p < 0,05$ параметрларига ўрнатилди. Маълумотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш Статистика 10 дастури ёрдамида Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида амалга оширилди.

Маълумотлар куйидаги шаклда ифодаланган: ўртача (M) \pm стандарт оғиш (m). Тақсимот турига қараб узлуксиз катталиклар ўртасидаги фарқнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун t Стюдент (меъёрий тақсимланиш) ва Колмогоров-Смирнов мезонлари, (номеъёрий тақсимланиш) U-мезон Манн-Уитни мезонларидан фойдаланилди. Назарий кутилаётган Харди-Вайнберг тенг тақсимлаш генотиплари частотасининг эмпирик тақсимланишга мувофиқлиги χ^2 мезони бўйича баҳоланди. Фарқларнинг статистик ишончлилиги учун $p < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг "Хусусий текшириш натижалари" деб номланган учинчи боби бешта кичик боблардан иборат. Ушбу бобнинг "Ностабил стенокардия бўлган беморларда психосоматик хавф омиллари пайдо бўлишининг частотасини баҳолаш" деб номланган биринчи кичик бобида ностабил стенокардия ривожланишининг асосий предикторларини ўрганиш натижалари батафсил баён этилган. ЮИК билан оғриган беморлар орасида ташвиш-депрессив синдром (ТДС) ва асимптоматик гиперурикемия (АГУ) каби касалликларни тез-тез учратиш мумкинлиги аниқланди. Ушбу маълумотлар ЮИК бўлган беморларни 2 гуруҳга бўлишга хизмат қилди: 1 гуруҳ-ЮИК ҳамда ТДС билан оғриган беморлар ва 2 гуруҳ-ЮИК ТДС бўлмаган беморлар.

Тадқиқот давомида беқарор стенокардия билан касалланган беморларнинг госпитал шкаласи (HADS) ва Спилбергер-Ханин шкаласининг барча параметрлари бўйича сезиларли даражада юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Барқарор стенокардия билан бўлган беморларнинг шифохонадаги ўлчови ўртача куйидаги кўрсаткичларга эга эди: HADS-D-6,43 балл ва HADS-A 6,43 балл, беқарор стенокардия билан бўлган беморлар статистик жиҳатдан юқори ва HADS-D-9,0 ва HADS-A 9,5 баллга тенг. Аммо ностабил стенокардия ва ТДС билан оғриган беморлар орасида ушбу кўрсаткичларнинг ўртачи қийматига алоҳида эътибор қаратилди, HADS-D-11,1 балл ва HADS-A 10,6 баллни ташкил эти. Жинсга қараб ТДС учрашини ўрганганда аёллар орасида ТДС 6% га кўпроқ учраши маълум бўлди. Лекин оғирлик даражаси аёллар ва эркеклар орасида бир хиллиги маълум бўлди.

Тадқиқот давомида барча беморларга ЭХОКГ ва ЭКГ ўтказилди, текшириш давомида ностабил стенокардия ва ТДС бўлган беморлар орасида ST сегменти депрессияси ТДС бўлмаган беморларга қараганда 39% кўпроқ учраши маълум бўлди.

1-жадвал

ЮИК бўлган беморларда биокимёвий маълумотларни тавсифловчи кўрсаткичлар, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Ностабил стенокардия, n=155		Стабил стенокардия, n=47
	Ностабил стенокардия, n=155	Стабил стенокардия, n=47	
АСТ, мкат/л	0,64±0,04	0,65±0,04	0,61±0,03
АЛТ, мкат/л	0,71±0,05	0,72±0,05	0,74±0,06
Билирубин: - общий, мкмоль/л	18,7±0,8	19,7±0,8 [^]	21,4±1,1
МК, мкмол/л	452,7±14,1***	348,2±11,9	351,6±12,4 ^{^^^}
Мочевина	7,4±0,4	6,9±0,4	6,8±0,4
Креатинин, ммол/л	90,9±4,4	81,9±3,1	85,4±3,2
СКФ, мл/мин	117,18±5,9	107,85±3,9	99,6±7,3
Глюкоза в крови, ммол/л	6,52±0,31	5,85±0,30	5,5±0,28 [^]
Нб, г/л	88,7±4,8	89,3±4,6	92,8±3,1

Эслатма:*,**,***; ^,^^,^^^ - p<0,05, p<0,01, p<0,001 I, II, III гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги.

Ушбу бобнинг "Психосоматик ҳолатни баҳолаш орқали ностабил стенокардиянинг клиник кечиши хусусиятлари" деб номланган иккинчи бобида ЮИК бўлган беморларда биокиёвий текшириш ўтказилганда ташвиш-депрессив синдром ва ностабил стенокардия (НС) бўлган беморлар орасида сийдик кислотаси стабил стенокардия ва ностабил стенокардия ТДС бўлмаган беморларга қараганда 101,1 ва 104,5 мкмол/л.га навбати билан юқорилиги аниқланди (1-жадвал).

Бундан ташқари, НС ва ТДС бўлган беморларда сийдик кислотаси юқори кўрсаткичи липид алмашинуви билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида липид спектори ўрганиб чиқилди, бунда НС ва ТДС бўлган беморларда умумий ХС, ЗПЛП, ТГ ва АК (атерогенлик коэффициенти) баландлиги аниқланди (жадвал 2).

2-жадвал

ЮИК бўлган беморларда липид алмашинуви кўрсаткичлари, М±m

Кўрсаткичлар	1-гурух, НС+ ТДС n=122	2-гурух, НС ТДС сиз n=33	3-гурух СС, n=47
Умумий ХС, ммол/л	6,7±0,3**	5,6±0,2	6,2±0,3
ХС ЗБЛП, ммол/л	0,85±0,07	0,95±0,08	0,93±0,09
ХС ЗПЛП, ммол/л	4,1±0,2	3,8±0,2	3,9±0,2
АК	6,9±0,3***	4,9±0,2#	5,6±0,3^^

Эслатма: *, **, ***; ^, ^^, ^^ - p<0,05, p<0,01, p<0,001 I, II, III гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

Ушбу бобнинг "Ностабил стенокардия билан бўлган беморлар ТДС бор ёки йўқлигига боғлиқ бўлган айрим цитокинларни таҳлил қилиш" деб номланган учинчи кичик бобида НС ва ТДС билан оғриган беморлар ва СС бўлган беморлар орасида яллиғланиш TNF-α, IL-1β пг/мл цитокинларини аниқлаш натижалари НС ва ТДС бўлган беморларда статистик жиҳатдан сезиларли ошишини кўрсатди (p<0,05) (3-жадвал).

3-жадвал


НС ва ТДС нинг бирга кечиши ҳамда НС ТДС сиз бўлган беморларда TNF-α, IL-1β, IL-4 ва IL-10 цитокинлари даражаси

КўРСАТКИЧЛА P	НС ва ТДС (n=122)	НС ва ТДСсиз (n=33)	СС (n=47)
TNF-α пг/мл	72,2±2,3	66,2±2,1#	66,3±2,2
IL-1β пг/мл	99,6±3,6*	88,5±3,7#	90,9±2,8
IL-4 пг/мл	20,3±0,7	23,0±0,9	22,4±0,9
IL-10 пг/мл	12,2±0,5	14,2±0,6##	13±0,5

Изох: *^#-ТДС ва ТДСсиз бекарор стенокардияда солиштириш ишончлилиги, ҳамда барқарор стенокардияда (* -P1<0,05, ** - P1<0,01, *** - P1<0,001, ^ -P2<0,05, ^^ - P2<0,01, ^^ - P2<0,001, # P3<0,05, ## - P<0,01, ### - P<0,001). P1, P2, P3 – 1 гуруҳ ва 2 гуруҳ, 1 гуруҳ ва 2 гуруҳ, 2 гуруҳ ва 3 гуруҳ ўртасидаги ишончлилик фарқи.


Корреляция графикларига кўра, ташвиш даражаси IL-1β ва TNF- α билан

ТДС кўрсаткичлари йиғиндиси ўрасидаги корреляцион боғлиқликнинг ўртача кучига эга эканлигини кўриш мумкин (1, 2-расмлар).



Изоҳ: D-депрессия, А-ташвишлик, СТ-ситуцион ташвишлик, ШТ-шахсий ташвишлик

Расм 1. Беқарор стенокардия билан бўлган беморларда ТДС кўрсаткичлари йиғиндиси ва IL-1β ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш (P-value<0,05).




Изоҳ: D-депрессия, А-ташвишлик, СТ-вазиятли ташвишлик, ШТ-шахсий ташвишлик


Расм 2. Беқарор стенокардия билан бўлган беморларда ТДС кўрсаткичлари йиғиндиси ва TNF-α ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш (P-value<0,05).

Ностабил стенокардия билан оғриган беморлар орасида сийдик кислотаси миқдори ва унинг учраш частотаси даражасини аниқланган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, биз қондаги сийдик кислота таркибига қараб цитокин мувозанати ва психосоматик ҳолатнинг ўзаро алоқаларини таҳлил қилдик.

3- ва 4-расмларда кўрсатилганидек, сийдик кислота ва яллиғланишга хос IL-1β, TNF-α цитокинлар орасидаги корреляция кучли ($R^2 = 0,7894$, $R^2 = 0,7662$, мос равишда) (3, 4-расмлар).



Расм 3. Беқарор стенокардия билан бўлган беморларда сийдик кислота ва IL-1 β ўртача қиймати ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш (P-value<0,001).



Расм 4. Беқарор стенокардия билан бўлган беморларда сийдик кислота ва TNF- α ўртача қиймати ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш (P-value<0,001).

Шундай қилиб, асимптоматик гиперурикемия билан боғлиқ стабил ва ностабил стенокардия бўлган беморлар орасида яллиғланишга хос цитокинлари TNF- α , IL-1 β кўрсаткичлари статистик жиҳатдан аҳамиятли эди (P<0,001). Шунингдек, НС ва ТДС билан оғриган беморлар орасида IL-4 ва IL-10 яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичлари бироз пасайган, хусусан, ушбу тоифадаги беморлар орасида цитокин мувозанатининг бузилганлигини курсатди.

Бобнинг **"Ностабил стенокардия билан бўлган беморларда психосоматик статусга боғлиқ ҳолда -511C>T (rs16944) локусида IL-1 β генининг полиморфизми"** деб номланган тўртинчи бобида ностабил стенокардия ва ТДС билан бўлган беморларда IL-1 β генининг полиморфизми

-511 T/C (rs16944) локусида цитокин дисбаланси ва АГУ нинг ахамияти аниқланди. Шу муносабат билан биз ўзбек миллатига мансуб 40 та соғлом донор клиник кўринишларисиз ва 97 та ностабил стенокардия билан бўлган беморларда IL-1 β генининг полиморфизми -511 T/C (rs16944) локусидаги аллеллари юзага келиш частотасини ўргандик.

Назорат гуруҳига нисбатан ностабил стенокардия билан бўлган беморлар орасида гомозигота варианты C/C 47,4%га кам, гомозигота варианты T/T 35,36%га кўп, гетерозигота варианты C/T эса 11,9%га кўп учради (4-жадвал).

4-жадвал

НС беморлар ва соғлом шахсларда -511C>T (rs16944) локусида IL-1 β генининг полиморфизмининг тарқалиш частотаси

Генотип	Частотаси (%)		χ^2	P	OR	Пастки сатхи 95% CI	Юқори сатхи 95% CI
C/C	22,6	70	27,36	0,000	0,13	0,06	0,29
C/T	31,9	20	1,99	0,158	1,88	0,78	4,55
T/T	45,36	10	15,56	0,000	7,47	2,47	22,62

Психосоматик бузилишларнинг энг юқори суръатлари IL-1 β генининг T/T гомозиготали вариантыда беқарор стенокардия ва ТДС билан бўлган беморларда HADS-D шкаласи бўйича ўртача 13,28 балл; HADS-A 13,31 балл аниқланди. Спилбергер-Ханин шкаласи бўйича IL-1 β генининг T/T гомозиготали вариантыда бўлган беморларни текширганда ўртача балл СТ-54,7, ШТ-53,4 ни ташкил этди.

511 T/C IL-1 β генининг полиморфизминини сийдик кислота сатхи билан боғлиқлигини ўрганиш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 1- гуруҳ (n=50) сийдик кислота мақсад даражасидан юқори (≥ 360 мкмол/л) бўлган беморлар, 2- гуруҳ (n=47) сийдик кислота мақсад даражасигача (≤ 360 мкмол/л) бўлган беморлар. Тадқиқот давомида сийдик кислота даражаси кўтарилган беморларда T аллел 73,4% ($\chi^2=23,72$; P=0,000; OR=10,46), сийдик кислота нормал даражада бўлган беморлар 40% ҳолатларида ($\chi^2=4,15$; P=0,042; OR=2,67) эга бўлди. Тадқиқот давомида барча санаб ўтилган диагностик усуллардан ташқари айрим цитокинлар аллелларнинг турли вариантларига қараб 511 T/C (rs16944) IL-1 β ген полиморфизми билан боғлиқлиги аниқланди. Гетерозиготали C/T ва гомозиготали T/T генотиплари бўлган беморлар 14,6 ва 11,6 пг/мл га TNF- α кўрсаткичига кўра юқори эди.

Бобнинг **"Ностабил стенокардия билан бўлган беморларда ТДС ва АГУ га боғлиқ ҳолда -819 C/T (rs1800871) локусида IL-10 генининг полиморфизми"** деб номланган пешинчи бобида ўзбек популяциясида касалликни ривожланиши эҳтимоли юқори бўлган «ноқулай» комбинацияни ўрганиш мақсадида НС ни ёндош ҳолатлари мавжуд бўлган беморларда 819 C/T (rs1800871) IL-10 генининг полиморф вариантыдаги аллел ва генотипларнинг частотали тарқалиши тадқиқотини кўриб чиқилди.

Генотипларнинг полиморфизминини ўрганиш (5-жадвал) НС билан оғриган беморлар гуруҳида 819 C/T (rs1800871) IL-10 генининг гомозигота T/T вариантынинг частотаси назорат гуруҳи (16,6% нинг 7,5% га нисбатан $\chi^2=1,92$;

P=0,166; OR=2,44) дан сезиларли даражада ошганлигини аниқлади.

5-жадвал

Соғлом ва НС билан бўлган -819 C/T (rs1800871) локусида IL-10 гени полиморфизмини тақсимланиши

Генотип	Частота (%)		χ^2	P	OR	Пастки сатхи 95% CI	Юқори сатхи 95% CI
	НС (n=97)	Контроль (n=40)					
C/C	54,6	72,5	3,76	0,052	0,46	0,21	1,02
C/T	28,8	20	1,15	0,284	1,62	0,67	3,95
T/T	16,6	7,5	1,92	0,166	2,44	0,67	8,88

Бу гуруҳдаги беморларнинг -819 C/T (rs1800871) локусида IL-10 генининг C/T гетерозигота вариантынинг частотаси назорат гуруҳидан унча фарқ қилмади. -819 C/T (rs1800871) локусида IL-10 генининг полиморфизми аллеллари ва генотиплари частоталарининг тақсимланишини таҳлил қилиш T ва C аллеларининг T/T ва C/C генотипларида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатди.

819 C/T (rs1800871) IL-10 ген полиморфизмининг қон зардобида паст зичликка эга бўлган липопротеидлар, сийдик кислота концентрацияси ва НС бўлган беморларда психосоматик касалликларнинг мавжудлиги билан боғлиқлиги даражасини ўрганиш атеросклеротик жараённинг ривожланиши учун алоҳида қизиқиш уйғотади. НС гуруҳларини шакллантиришда қондаги сийдик кислотаси концентрациясига қараб 819 C/T (rs1800871) IL-10 ген полиморфизм даражаси кайд қилинди. T/T генотипли беморларда сийдик кислота даражаси анча ошган ва $596,0 \pm 20,3$ ммол/лни ташкил этган бўлса, гетерозиготали C/T генотипининг кўрсаткичлари $452,3 \pm 20,3$ ммол/л ва гомозиготали C/C генотипининг ташувчилари ўртача $316,2 \pm 11,2$ ммол/л ни ташкил этди. Ушбу маълумотлар генотипда T аллелнинг мавжудлиги пурин метаболизмининг бузилишига олиб келишини кўрсатади.

ТДС билан беқарор стенокардия бўлган беморлар гуруҳларида гомозиготали T/T ва гетерозиготали C/T аллел ташувчилар 819 C/T (rs1800871)IL-10 гени назорат гуруҳига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди. Ташвиш шкаласида ўртача қийматларни тарқатишда 819 C/T IL-10 генининг гомозигота T/T вариантыдаги беморлар ташвиш ва депрессиянинг юқори кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланди, шунинг учун C/C генотипли беморлар HADS-A- $8,5 \pm 0,3$, HADS-D- $8,4 \pm 0,4$ балл, Спилберггер-Ханин шкаласи бўйича ШТ- $42,0 \pm 1,5$ ва СТ- $43,9 \pm 1,4$ балл бўлса, T/T генотипли беморлар сезиларли даражада юқори бўлган HADS-A- $13,7 \pm 0,6$, HADS-D- $13,5 \pm 0,7$, Спилберггер-Ханин шкаласи бўйича ШТ- $55,1 \pm 1,9$ ва СТ- $51,25 \pm 2,3$ балл бўлиб, ТДС нинг бу генотип билан муносабатини кўрсатади.

НС бўлган беморларда 819 C/T (rs1800871) IL-10 генининг полиморфлигига қараб айрим яллиғланишга олиб келувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг курсаткичлари ўрганилди. TNF- α ва IL-1 β яллиғланишга олиб келувчи цитокинлар кўрсаткичлари T/T генотипли беморларда (TNF- α : $83,2 \pm 5,1$ пг/мл; IL-1 β : $112,4 \pm 9,1$ пг/мл), C/C (TNF- α :

65,0±3,1пг/мл; IL-1β: 81,7±5,9пг/мл) ва C/T(TNF-α: 77,7±4,3 пг/мл; IL-1β: 103,9±8,4пг/мл) генотипли беморларга нисбатан статистик жиҳатдан юқори бўлди. Бундан ташқари, T/T(IL-4: 14,1±0,6 пг/мл; IL-10:10,6±0,5пг/мл) генотипли беморларда IL-4 ва IL-10 яллиғланишга қарши цитокинларнинг кўрсаткичлари статистик жиҳатдан C/C ва C/T генотипли беморларга нисбатан камайган.

Диссертациянинг **"511 T/C (rs16944) IL-1β ва 819 C/T (rs1800871) IL-10 генларнинг полиморфизмига қараб психосоматик бузилиш ва асимптоматик гиперурикемия билан боғлиқ НС бўлган беморларда фебуксотат ва Диваза билан фармакотерапиянинг самарадорлигини аниқлаш"** деб номланган боби иккита кичик боблардан иборат бўлиб, биринчи кичик боби **"НС ва ТДС бўлган беморларда 511 T/C (rs16944) IL-1β генининг аллел варианты билан боғлиқ бўлган сийдик кислотанинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда даволаш самарадорлиги"** деб номланиб, уш бу бобда 511 T/C (rs16944) IL-1β ва 819 C/T (rs1800871) IL-10 генларнинг турли аллел вариантларига эга бўлган беморларда ТДС ва АГУ билан боғлиқ НСда фебуксотат 0,02-0,04 г/сут дозасида ва Диваза белгиланган дозасида самарадорлиги ўрганилди.

ТДС ва АГУ билан боғлиқ НС билан бўлган беморларнинг даволаш муваффақияти таъсирини баҳолаш учун, биз фебуксотат ва Диваза беришдан олдин шифохонада ва шифохонадан чиқаришда HADS ва Спилбергер-Ханин шкаласи кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни баҳоладик. Фебуксотат ва Диваза қабул қилган беморларни 511 T/C (rs16944) IL-1β ва 819 C/T (rs1800871) IL-10 генларнинг полиморф аллел генларини ўрганилишига қараб 3 та кичик гуруҳга бўлинади.

